

«MIKRO LEASING»

МЧЖ ХК

2022 йил 30 тау кундаги 31-сонли

Карори асосида

Тасдикланди



Солиев Р.

**«MIKRO LEASING»  
МАСЪУЛНЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ  
ШАКЛИДАГИ ХОРИЖИЙ КОРХОНА УСТАВИ  
(ЯНГИ ТАХРИРДА)**

«MIKRO LEASING» Масъулияти чекланган жамият шаклидаги хорижий корхона (кейинчалик «Жамият» деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси «Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуни, 2018 йил «09» ноябрдаги № 1 сонли қарор (кейинчалик «Қарор» деб юритилади) ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таъсис этилган тижоратташкилоти.

## 1. МОДДА. УМУМИЙ ҚОНДАЛАР

### 1.1. ҚИСМ. Жамиятнинг иштирокчиси.

1.1.1. Қуйидаги шахс Жамиятнинг Ягона Иштирокчисидир:

Mikro Kapital Management S.A., Люксембург Буюк Херсоглиги қонунчилиги асосида яратилган юридик шахс, В 227640 номерда рўйхатга олинган, 10, rue С.М. Spoo, L-2546 Люксембург, Люксембург.

### 1.2. ҚИСМ. Номланиш ва почта манзили.

1.2.1. Жамиятнинг тўлик, фирма номи қуйидагича:

- Ўзбек тилида: «MIKRO LEASING» Mas'uliyati Cheklangan Jamiyati shaklidagi xorijiy korxonа
- Инглиз тилида: Foreign enterprise «MIKRO LEASING» Limited Liability Company
- Рус тилида: Иностранное предприятие в виде общество с ограниченной ответственностью «MIKRO LEASING»

1.2.2. Жамиятнинг қисқа фирма номи қуйидагича:

- Ўзбек тилида: «MIKRO LEASING» MCHJ ХК
- Инглиз тилида: «MIKRO LEASING» FE LLC
- Рус тилида: ИП ООО «MIKRO LEASING»

1.2.3. Жамият қуйидаги (юридик ва почта) манзилига эга: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Урикзор кучаси, 7.

### 1.3. ҚИСМ. Муддатлар.

1.3.1. Жамият номуайян муддатга тузилади. Жамият Қонунчилик, ҳамда ушбу Уставда назарда тутилган асосларга кура Жамият Ягона Иштирокчисининг ёки ваколатли давлат органининг қарорига кўра ўрнатилган тартибда тугатилиши мумкин.

### 1.4. ҚИСМ. Атамалар.

1.4.1. Ушбу Уставда қуйидаги асосий тушунча ва атамалардан фойдаланилади:

«Жамият» - «MIKRO LEASING» Масъулияти чекланган жамият шаклидаги хорижий корхонасини англатади

«Иштирокчи» - Мазкур Уставнинг 1.1. ҚИСМИДА кўрсатилган Ягона Иштирокчини англатади.

«Қонунчилик» - Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини англатади

«Бош директори» - Мазкур Уставнинг 5.4. ҚИСМИДА кўрсатилган, Ижро этувчи органини англатади

«Кузатув кенгаши» - Мазкур Уставнинг 5.3. ҚИСМИДА кўрсатилган, Ижро этувчи органини англатади

«Устав фонди» - микдори ушбу Уставнинг 4.1. ҚИСМИДА кўрсатилган Жамият Устав Фондини англатади

«Устав» - Жамиятнинг фаолият юритишини тартибга солувчи, сарварақ бетида кўрсатилгандек таъсисчисининг қарорибилан тасдиқланган мазкур таъсис хужжатни англатади.

## 2. МОДДА. ЖАМИЯТНИНГ ХУҚУҚИЙ ХОЛАТИ

### 2.1. ҚИСМ. Хуқуқий шакли.

2.1.1. Жамият масъулияти чекланган жамият шаклида тузилади ва Қонунчилик билан ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади.

2.1.2. Жамият ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинмаган алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан ҳуқуқларни олиши, мажбуриятларга эга бўлиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

## **2.2. ҚИСМ. Масъулиятнинг чекланиши.**

2.2.1. Жамият Қонунчиликга мувофиқ, мустақил юридик шахс ҳисобланиб, унинг ҳуқуқий лаёқати Иштирокчининг ҳуқуқий лаёқатидан алоҳида бўлади.

2.2.2. Жамият Иштирокчининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, Иштирокчи ҳам Жамиятнинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди. Иштирокчи Жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзи кўнган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўлади.

2.2.3. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан фақат ўзига қарашли мол-мулк билан жавобгар бўлади.

2.2.4. Ўзбекистон Республикаси ва унинг органлари Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек Жамият ҳам давлат ва унинг органлари мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.2.5. Жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари, унитар корхоналари, юридик шахс, ҳуқуқига эга бўлган бошқа алоҳида бўлинмалари Жамият мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, Жамият эса ўзининг шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари, унитар корхоналари, юридик шахс, ҳуқуқига эга бўлган бошқа алоҳида бўлинмаларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## **2.3. ҚИСМ. Жамиятнинг шўъба корхоналари, филиаллари ва ваколатхоналари.**

2.3.1. Жамият, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган шўъба корхоналар, шунингдек филиаллар ва ваколатхоналар, бошқа алоҳида бўлинмаларни ташкил қилиши мумкин.

2.3.2. Жамият шўъба корхона, филиал ва ваколатхона ташкил қилиш пайтида мазкур бандга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритади.

## **2.4. ҚИСМ. Норматив ҳужжатлар.**

2.4.1. Жамият Ўзбекистон Республика қонунчилиги ва мазкур Уставга биноан ўз фаолиятини юргизади.

# **3. МОДДА. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ ВА МАЗМУНИ**

## **3.1. ҚИСМ. Мақсад**

3.1.1. Жамиятнинг асосий мақсади ушбу Устав ва Қонунчилик ҳужжатларига асосланиб Жамиятнинг асосий мақсади Асосий фаолият ва бошқа фаолиятдан даромад (фойда) олишдир.

## **3.2. ҚИСМ. Фаолият.**

3.2.1. Мазкур Уставда кўрсатилган мақсадларга эришиш учун, Жамиятнинг асосий фаолияти молиявий лизинг (ИФУТ 64910) - кейинги ўринларда «Асосий фаолият»).

3.2.2. Жамият Қонунчилик билан йўл қўйиладиган доирада Ўзбекистон Республикасида тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириши мумкин.

3.2.3. Ўзбекистон Республикасида лицензияланиши лозим бўлган Жамият барча бошқа турлари Қонунчилик билан белгиланган тартибда лицензиялар (рухсатномалар) олингандан сўнг амалга оширилади.

#### **4. МОДДА. УСТАВ ФОНДИ**

##### **4.1. ҚИСМ. Устав Фонди миқдори.**

4.1.1. Жамиятнинг Устав Фондининг миқдори 29 049 993 350 (йигимар туккиз миллиард кирк туккиз миллион туккиз юз туксон уч минг уч юз эллик) сумми ташкил этади ва ушбу сумма Жамият Устав Фондига киритилган мол-мулк, хорижий валюта ва пул ҳиссаларини, ҳисса киритилган вақтдаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курсини эътиборга олган ҳолда ҳисобланади.

4.1.2. Иштирокчининг улуши, Жамият Устав Фондининг умумий миқдоридан юз фоиз (100%) ни ташкил этади ва номинал диймати 29 049 993 350 (йигимар туккиз миллиард кирк туккиз миллион туккиз юз туксон уч минг уч юз эллик) суммага тенг.

##### **4.2. ҚИСМ. Устав Фондини ўзгартириш.**

4.2.1. Иштирокчи Қонунчилик билан ўрнатилган тартибда Устав Фондининг миқдорини ўзгартириши мумкин.

4.2.2. Жамият устав фондини пуллик ва/ёки пулсиз шаклда Жамият мулки ва/ёки Иштирокчиларнинг қўшимча ҳиссалари ва/ёки Учинчи шахслар ҳиссалари ҳисобидан кўпайтириш мумкин.

4.2.3. Қонунчилик бўйича Иштирокчи устав фонд миқдорини камайтиришга ҳақли. Устав фонди, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган минимал миқдоридан кам бўлиши мумкин эмас.

4.2.4. Устав фондини ўзгартириш Иштирокчининг қарори асосида амалга оширилади.

4.2.5. Устав фондини камайтириш ва кўпайтириш тўғрисидаги қарор, Жамият таъсис ҳужжатларига киритилган, Жамият устав фондини камайтириш ёки кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиришлар давлат рўйхатдан ўтгазилган санадан бошлаб учинчи шахсларга юридик кучга эга бўлади.

##### **4.3. ҚИСМ. Устав фондидаги ҳиссалар.**

4.3.1. Пул, қимматли қоғозлар, ўзга ашёлар ёки мулк хуқуқлар ёхуд пул баҳосига эга бўлган бошқа шахсга ўтказиладиган ўзга хуқуқлар жамиятнинг устав фондига кўшиладиган ҳиссалар бўлиши мумкин.

4.3.2. Иштирокчи томонидан Жамият устав фондига кўшган пулсиз улушларнинг пулдаги баҳоси Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ, Иштирокчининг қарори билан тасдиқланади.

4.3.3. Иштирокчи Жамият Устав Фондига ўз ҳиссасини тўлиқ киритганидан сўнг, унинг ҳиссаси миқдорини тасдиқловчи ва қимматбаҳо қоғоз ҳисобланмайдиган гувоҳнома берилади.

#### **5. МОДДА. ЖАМИЯТДА БОШҚАРУВ**

##### **5.1. ҚИСМ. Бошқарув органлар**

5.1.1. Қуйидагилар Жамиятнинг бошқарув органлари ҳисобланади:

(а) Иштирокчи - Жамиятнинг олий бошқарув органи;

(б) Кузатув кенгаши - Жамият фаолиятини умумий бошқарув органи;

(с) Бон директори - яккабончилик асосидаги ижро этувчи органи.

5.1.2. Жамиятда бошқа функционал менежерлархам ишлайди;

5.1.3. Иштирокчининг муносиб қарорибилан бошқа ички бошқарув ва/ёки назорат органлар яратилиши мумкин.

## **5.2. ҚИСМ. Жамият Иштирокчиси ва унинг ваколатлари**

5.2.1. Иштирокчи Жамиятни қарорлар қабул қилиш орқали бошқаради ва олий бошқарув органи бўлиб, фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳар қандай масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эгадир. Иштирокчининг қарорлари қабул қилинган пайтдан бошлаб, барча орган ва ишчиларга мажбурий бўлиб ҳисобланади.

5.2.2. Ўзбекистон Республикаси қонунчиликка мувофиқ, бўлган Иштирокчиларнинг Умумий Йиғилиш ваколатлари доирасидаги масалалар бўйича қарорлар якка тартибда Иштирокчи қабул қилади ва ёзма шаклда расмийлаштиради.

5.2.3. Иштирокчининг муглақ ваколатлариғақуйидагилар киради:

(а) жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, шунингдек тижорат ташкилотларининг бошқа бирлашмаларида иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

(б) жамият Устав Фондининг миқдорини ўзгартириш;

(с) мазкур Уставға ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш, шу жумладан манзил ва фирма номиға ўзгаришлар киритиш, иштирокчилар таркибини ўзгартириш ёки Жамият Уставини янги тахрирда тасдиқлаш;

(д) жамиятнинг тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, тафтиш комичиясини яратиш ҳақида қарор қабул қилинган ҳолатда.

(е) жамиятнинг кузатув кенгаши сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, кузатув кенгаши тўғрисидаги шизомни тасдиқлаш.

(ф) йиллик ҳисоботларни ва йиллик бухгалтерия балансларини тасдиқлаш.

(ғ) жамиятнинг соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш.

(ҳ) тендер комиссиясини сайлаш ва тендерни ўтказиш тартиби.

(и) жамият органларининг ҳамда Жамиятнинг фаолиятини тартибға солувчи ҳужжатларни тасдиқлаш (қабул қилиш);

(й) аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш, аудиторлик ташкилотлари ҳамда уларнинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини аниқлаш;

(к) бошқа юридик шахсларни, ваколатхоналар ва филиалларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

(л) жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

(м) тугатувчини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш;

(н) захира фондини яратиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

(о) манфаатдорлик бор битимларни тасдиқлаш, агарда тўлов миқдори ёки битимнинг предмети бўлган мулк қиймати, охириги ҳисобот даврида бўлган бухгалтерия китоблари ва ҳисоботлар асосида аниқланган Жамият мулкининг қийматининг беш фоизидан ошган ҳолатда;

(р) Жамият Устав Фондига пулсиз ҳиссаларнинг пул баҳосини тасдиқлаш;

(қ) Жамиятға янги иштирокчиларни қабул қилиш ҳақида қарорлар мақуллаш ва уларнинг қабул қилиш шартларини тасдиқлаш;

(ғ) Жамият Устав фондини Иштирокчининг қўшимча ҳиссалари ва жамиятға қабул қилинадиган учинчи шахсларнинг ҳиссалари ҳисобиға кўпайтириш ҳақида қарорлар тасдиқлаш, ҳамда қўшимча ҳиссаларни миқдорини, шаклини ва тартибини аниқлаш;

(с) иштирокчи ўз улушини Учинчи шахсларға гаровға бериб юборишини маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилиш.

(т) Қонунчиликда назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

## **5.3. ҚИСМ. Кузатув кенгаши.**

5.3.1 Жамиятнинг умумий бошқарувини Жамият Иштирокчисига ҳисобдор бўлмиш Кузатув кенгаши амалга оширади (Жамият Иштирокчисининг ваколатларига кирадиган масалалар бундан мустасно). Кузатув кенгаши ўз фаолиятини Қонунчиликка, ушбу Устав ва Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомга мувофиқ амалга оширади. Кузатув кенгашининг асосий вазифаси Жамият Иштирокчиси номидан ва Бош Директордан мустақил ҳолда назорат қилиш, таваккалчиликни бошқариш, Жамиятни самарали ички назорат тизими билан таъминлашдир. Кузатув кенгаши Жамиятнинг асосий ҳужжатларига мувофиқ Жамиятнинг фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш учун жавобгардир.

5.3.2. Кузатув кенгаши аъзолари 1 йил муддатга тайинланади. Ушбу муддат тугаганидан кейин Иштирокчининг қарорига биноан Кузатув кенгаши аъзоси лавозимида қайта тасдиқланиши мумкин.

5.3.3. Кузатув кенгаш Жамият 3 аъздан иборат ва Иштирокчиси томонидан тайинланади ва лавозимдан озод қилинади. Жамият Иштирокчисининг қарорига биноан Кузатув кенгаши аъзолари сони кўпайтирилиши мумкин.

5.3.4. Кузатув кенгашининг йиғилишлари ҳар чорак камида 1 марта ва заруратга қараб мунтазам ва/ёки махсус йиғилишлар ўтказилади. Кузатув кенгашининг мажлислари унинг 2/3 аъзосининг иштирокида амал қилади.

5.3.5. Кузатув кенгаши қарори оддий кўпчилик овоз бериш йули билан қабул қилинади. Овоздар тенг бўлган тақдирда, Раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

5.3.6. Кузатув кенгаш аъзоси қуйидаги ҳолларда лавозимдан озод қилинади:

- (а) Кузатув кенгашининг аъзоси унинг лавозимдан озод этилиши эълон қилса, у эса биноан қарор қабул қилгунга қадар ўз вазифаларини бажариши шарт;
- (б) Қонунчилик талабларига биноан;
- (с) Кузатув кенгаши аъзосини ўз мажбуриятларини бажаришдан маҳрум қилувчи ҳодиса ёки зиддият йўзига келган бўлса;
- (д) Кузатув кенгаш аъзосининг Жамият ички сиёсатларига риоя қилмаслиги ёки унинг харақлари ёки харақатсизликлари Иштирокчи томонидан Кузатув кенгаш аъзосининг мажбуриятларига мос келмаслиги тан олинса;
- (е) Жамият манфаатлари учун зарур бўлса;
- (ф) Иштирокчи Кузатув кенгаш аъзосининг ваколатмуддати тугаши билан қайта сайланмасликни қарор қилса.

5.3.7. Кузатув кенгаши ваколатларига қуйидагилар кирди:

- (а) Жамият Бош директорини ва унинг ўринбосарини тайинлаш ва ишдан озод қилиш;
- (б) Бош директор ва унинг ўринбосарининг иш ҳақи миқдори ва тўлаш тартибини белгилаш;
- (с) Жамиятнинг даромад ва харажат бюджетини тасдиқлаш ва унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш;
- (д) Бош директор фаолиятини назорат қилиш;
- (е) Ички норматив актлар ва бошқа қондаларни тасдиқлаш;
- (ф) Иштирокчига ташқи аудиторнинг мукофот пули миқдори бўйича таклифлар бериш;
- (г) Йиллик ҳисоботни бошланғич тасдиқлаш;
- (ҳ) ички текширув ва таваккалчиликни бошқариш механизмларини ишлаб чиқиш;
- (и) Иштирокчига дивиденд миқдори ва тўлаш тартибини маслаҳат қилиш;
- (j) қиймати Жамият мол-мулкнинг йигирма беш фоиздан эллик фоизгача бўлган йирик битимларни Жамиятнинг харидлар бўйича сиёсатига биноан тасдиқлаш;
- (к) Бош директор ҳисоботларини эшитиш, тегишли қарорлар қабул қилиш;
- (l) тузилишидан манфаатдорлик бўлган битимларни тузиш, агарда битимнинг предмети мўлган мулкнинг қиймати Жамиятнинг охириги бухгалтерлик ҳисоботи натижаларига кўра аниқланган мол-мулкнинг беш фоиздан кўп бўлмаса;
- (m) таваккалчиликка мойилликни, даромад ва маржиналлик стратегияларини аниқлаш;

- (п) Жамият кредит қўмитасининг 500 000 Еврогача бўлган битимларни мустақил равишда тузиш буйича ваколатини тасдиқлаш;
- (о) янги маҳсулотларни тасдиқлаш;
- (р) тижорат сири ва конфиденциал малумот саналадиган маълумотларини белгилаш.

#### 5.4. ҚИСМ. Жамиятнинг Бош директори.

5.4.1. Ушбу Уставга мувофиқ, Жамиятнинг фаолиятини мазкур раҳбариятлиги Иштирокчисига ва Кузатув кенгашига ҳисобдорлик равишда Бош директор амалга оширилади. Бош Директор Жамиятнинг ишлаши, молиявий ва амалий натижаларига жавобгардир.

5.4.2. Кузатув кенгаш Бош Директорини 1 йил муддатга тайинлайди, ушбу муддат унинг қарорибилан узайтирилиши мумкин;

5.4.3. Ўзбекистан Республикаси қонунчилигига, мазкур Уставга ва Бош Директор тўғрисидаги Низомга мувофиқ, Иштирокчининг ёки Кузатув кенгашнинг мутлақ, ваколатлари жумласига кирмайдиган барча масалалар Бош Директор ваколатлари жумласига киради.

5.4.4. Иштирокчининг Бош Директорини сайлаш ҳақида қарори қабул қилинган пайтга ишга лаёқатли ва вояга етган шахс тайинлангани мумкин

5.4.5. Бош Директор Жамият Иштирокчиси ва Кузатув кенгашига ҳисобдордир ва ўз фаолиятида Қонунчилик, мазкур Устав талаблари, Иштирокчининг ва Кузатув кенгашининг ўз ваколати доирасида қабул қилган Қарорларига, шунингдек Жамият тузган шартнома ва келишувларга, шу жумладан меҳнат шартномаларига риоя қилиши шарт.

5.4.6. Жамият қонунчилик фаолиятини амалга оширишга онд Бош Директорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонунчиликга мувофиқ, аниқланади, бироқ, мазкур Устав, Бош Директор тўғрисидаги Низом ва Жамият билан тузилган меҳнат шартнома чеклангандир.

5.4.7. Бош Директор Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб астойдил ва оқилона иш юритишга мажбур.

5.4.8. Бош Директор Жамият фаолиятига, амалга, ҳуқуқий мақом ёки молиявий ҳолатига муҳим таъсир кўрсатиши бўлган воқеалар пайдо бўлиши ҳақида Кузатув кенгашни керакли муддатда хабардор қилгани учун ҳам маъсул ҳисобланади ва ундан ёки Жамият Иштирокчисидан бевосита ҳаракатларни бажариш талаб қилишга ҳақли, шу жумладан, агарда:

- (а) Жамият ёки унинг ходими ишини амалга ошириш давомида бўлган Қонунчиликни бузиши мавжуд бўлса;
- (б) Жамият, унинг ходими ўз ишини амалга ошираётганда ёки миждоз томонидан фирибгарлик мавжуд бўлса;
- (с) Жамиятнинг моддий битимларини бузиш ёки унга риоя қилмасликга обкеладиغان ҳукмлар, хатолар ёки камчиликлар мавжуд бўлса;
- (д) Жамиятга нисбатдан моддий шикоятлар мавжуд бўлса;
- (е) Қонунчиликга риоя қилмаганлиги ҳақидаги давлат органлари томонидан берилган хабарлар мавжуд бўлса;
- (д) Кредиторлар томонидан берилган камчиликлар ҳақида хабарлар мавжуд бўлса;
- (г) Маҳаллий сносий, иқтисодий, экологик ва бошқа ҳодисалар пайдо бўлса;
- (һ) Ҳамда Жамият фаолиятига, молиявий ва ижтимоий кўрсаткичлари ёки обрўсига сезиларли таъсир кўрсатадиган бошқа ҳодисалар мавжуд бўлса;

5.4.9. Жамият Бош директори қуйидагиларга ваколатли:

- (а) Тасдиқланган стратегик режани, йиллик бизнес режани, бюджетни, Иштирокчи ва Кузатув кенгашининг Қарорларини амалга оширади, жорий қилади ва таъминлайди;

- (b) Жамият жорий фаолиятига раҳбарлик қилади;
- (c) Жамият номидан ишончломасиз иш юригади, ҳар қандай ва барча жисмоний ва юридик шахслар, ваколатли органлар ва жойлардаги бошқарув органлар, корхоналар ва барча Ўзбекистан Республикаси органлари олдида унинг манфаатларини ифодалайди;
- (d) Жамият мол-мулкни бошқариш, шу жумладан ушбу Устав ва Қонунда белгиланган пул маблағлари, Жамиятни вакиллик қилиш ишончнома беради;
- (e) Иштирокчи ёки Кузатув кенгашига уларнинг ваколатига бипоан кўриб чиқиш учун йиллик ҳисобот ва бизнес-режани тайёрлайди;
- (f) Меҳнат масалаларини тартибга солувчи, шу жумладан, ҳаёт ва соғлигини сақлаш тартибга солувчи Жамият ички ҳужжатларини тасдиқлайди, шунингдек Жамият Иштирокчиси ёки Кузатув кенгашининг ваколатига кирадиган бошқа ҳужжатларни тасдиқлайди;
- (g) Жамият ва унинг ходимлари Қонунчиликга мувофиқлигини таъминлайди;
- (h) Жамият ходимларини ёллади ва лавозимдан озод қилади, рағбатлантиради ва жарималар бўйича чоралар кўради;
- (i) Буйрук ва фармойиш чиқаради;
- (j) Миллий ва хорижий валютада Жамият ҳисоб рақамларини очиш, ҳисоб- китоб бўйича дастлабки имзолаш ҳуқуқига ега бўлади Жамиятнинг банк рақамларини бошқаради, ички тўловларни амалга оширади, банк ҳисоб варақдари ҳолати тўғрисидаги барча маълумотларни олади ва Жамият банк ҳисобларини ёпади;
- (k) Жамият мол-мулкни, шу жумладан нақд пул маблағларини фақат Жамият фаолиятининг амалга ошириш муносабати билан тасарруф этади, Иштирокчи ёки Кузатув кенгашининг ваколатига кирадиган ҳоллар бундан мустасно;
- (l) Жамиятнинг филиал ва ваколатхонадари раҳбарларини тайинлайди;
- (m) Ички иш режаларини ва иш тавсифларини тасдиқлайди;
- (n) Жамият Иштирокчи ёки Кузатув кенгаши ваколат доирасига кирмайдиган Жамият олди-сотди шартномаларини амалга ошириш бўйича қарорлар қабул қилади;
- (o) Ваколатига мувофиқ, Иштирокчи ёки Кузатув кенгаш томонидан тасдиқлаш учун йиллик баланслар, даромад ва зарар жадалларини тайёрлайди;
- (p) Иштирокчи томонидан кўриб чиқиши учун Жамият фаолиятига оид ҳар чораклик ҳисоботларни тайёрлайди ва амалга оширади;
- (q) Учинчи шахслар билан муносабатларда Жамиятни тақдим этишга ишончнома беради, шу жумладан бошқа шахсга ўтказиш ҳуқуқи билан;
- (r) Ўз ваколатлари доирасида Жамият фаолиятининг турли соҳаларида режаларини тасдиқлайди;
- (s) Жамиятнинг ходимлар рўйхатини тасдиқлайди;
- (t) Жамият ва бошқа шахслар, шу жумладан юридик ва давлат органлари ўртасидаги низоларни даъво ва талабларни ҳар қандай Ўзбекистан ва чет элдаги судларда, ҳакамлик ва барча бошқа юридик, маъмурий ва давлат органларида ҳимоя ва ҳал қилиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилади. Агар низонинг умумий қиймати Жамиятнинг активларининг 25 фоиздан ортиқ бўлса, низонинг ҳал қилиш тўғрисидаги қарор Жамиятнинг йирик битимларини тасдиқлаш талабларига мувофиқ тасдиқланади;
- (u) Мувофиқ, давлат органларига тақдим этилиши керак бўлган Жамият фаолияти билан боғлиқ, бўлган мурожаатларни, хабарномаларни, ҳисоботларни ва бошқа ҳужжатларни тайёрлайди ва тасдиқлайди;
- (v) Иштирокчи йки Кузатув кенгашининг ваколатига кирмайдиган бошқа фаолиятни амалга ошириш.

5.4.10. Бош директор тафтишчи бўлиши мумкин эмас.

5.4.11. Иштирокчи қарор билан Бош директорга эффе́ктив иш юритиш мақсадида бошқа мажбуриятлар юкланиши мумкин, унинг ваколатларига қушимча чекловлар киритилиши мумкин, шу жумладан Жамиятнинг мол-мулк ва молиявий маблағларини фармойиш қилиш.

5.4.12. Директорга қуйидагилар ман этилади:

а) иштирокчининг розилигисиз, Жамият билан Жамиятдан мулкни фойда олишга қаратилган битимлар (жумладан ҳадя, қарз олиш, беғараз фойдаланиш, шунингдек, олди-сотди шартномалари ва ҳ.к.) тузиш;



- b) бевосита Жамиятдан ёки Учинчи Шахслардан Жамият билан Учинчи Шахслар ўртасида тузилган шартномалар буйича комиссияни рағбатлантириш қабул қилиш;
- c) учинчи Шахсларнинг Жамият билан муносабатларида, Учинчи Шахм номидан ёки уларнинг манфаатлари учун иш юритиш;
- d) жамиятнинг фаолияти билан рақобатлашувчи тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш.

#### **5.5. ҚИСМ. Тафтиш комиссияси.**

5.5.1. Жамият молиявий ҳужжалик фаолияти устидан назоратни амалга ошириш мақсадида Тафтиш комиссиясини Жамият Иштирокчиси томонидан белгиланган таркибда ва муддатга тузиши мумкин.

5.5.2. Жамият Иштирокчиси қарорига кўра Жамият Тафтиш комиссияси вазифасини Жамият билан, Жамиятнинг Ижро Этувчи Органи ва Жамиятнинг Иштирокчиси билан мулкый манфаатлар билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти амалга ошириши мумкин.

5.5.3. Тафтиш Комиссиясининг аъзолари Иштирокчи томонидан белгиланмаган муддатга тайинланади.

5.5.4. Тафтиш комиссияси Жамиятнинг маъсубдор шахсларидан зарур материалларни, бухгалтерлик ва бошқа ҳужжатларни, шунингдек, отзаки ёки ёзма шаклда зарур тушуниришларни талаб қилиб олишга ҳақлидир.

5.5.5. Тафтиш Комиссияси ўз текшириш натижаларини Жамият Иштирокчисига тақдим этади. Тафтиш Комиссияси шунингдек Жамиятнинг йиллик баланси бўйича ҳисобот тайёрлайди. Бундай ҳисобот бўлмаганда Жамият Иштирокчиси Жамият балансини тасдиқлашга ҳақли эмас.

#### **5.6. ҚИСМ. Ички аудит хизмати**

5.6.1. Аудит амалга ошириш, молиявий ҳисоботларни шубҳасиз тўғрилиқни аниқлаш ва бухгалтерия китоблари ва ҳисоботларни талабларга мослиги аниқлаш мақсадида, Кузатув кенгаши ўз қарорида ички аудитни яратишга ҳақли.

5.6.2. Ички аудит хизмати Кузатув кенгашига ҳисобдордир.

5.6.3. Қонунчиликда белгиланган ҳолларда, Жамиятда ички аудит хизмати ташкил қилинади. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистан Республикаси қонунчилигида, мазкур Устав ва барча ички ҳужжатларда белгиланган тартибда амалга оширади.

### **6. МОДДА. ИШТИРОКЧИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

#### **6.1. ҚИСМ. Ҳуқуқлар**

6.1.1. Қонунчилик, Жамият Устави ва бошқа ички тартиб-қоидалар билан бирга Жамият Иштирокчиси қуйидаги қўшимча ҳуқуқларга эга:

(a) қонунчилик ва Жамиятнинг Уставида белгиланган тартибда Жамиятнинг ишларини бошқаришда иштирок этиш;

(b) Жамият Иштирокчисининг қарорида белгиланган тартибда ва миқдорда Жамият фондасининг қисмини олишда иштирок этиш;

(c) Жамиятнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳамда унинг бухгалтерия дафтарлари ва бошқа ҳужжатларини талаб қилиб олиш ва улар билан танишиш;

(d) мустақил равишда Жамият фаолиятини ташқи аудитини амалга ошириш;

(e) жамиятнинг Устав Фондидаги ўз улушини ёхуд унинг бир қисмини Қонунчилик ва ушбу Уставда назарда тутилган тартибда учинчи шахсларга сотиш ёки ўзга тарзда уларнинг фойдасига воз кечиш;

(f) жамият тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкнинг бир қисмини ёки унинг қийматини олиш;

## **6.2. ҚИСМ. Мажбуриятлар**

6.2.1. Жамият Иштирокчиси қуйидаги мажбуриятларни олади

- (a) устав Фондига ўз ҳиссаларини мазкур Устав талаблари ҳамда Қонунчиликга мувофиқлиқ киритиш;
- (b) қонунчилик, мазкур Устав ва ички ҳужжатларига риоя қилиш;
- (c) қонунчилик, мазкур Устав ва ички ҳужжатларда кўрсатилган бошқа барча мажбуриятларни олади.

## **7. МОДДА ЖАМИЯТ МУЛКИ ВА АКТИВЛАРИ**

### **7.1. ҚИСМ. Жамият мулкнинг таркиби**

7.1.1. Жамият ўз номидан сотиб олинган, унга Иштирокчи томонидан устав фондига ҳисса сифатида берилган мулк, олинган фойда, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар натижалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, бошқа асосларга кўра олинган бошқа мулкнинг эгаси ҳисобланади.

7.1.2. Жамият мулки асосий активлар, айланма активлар, шунингдек пул қийматига эга бўлган ва Жамият балансида акс эттирилган бошқа активлардан ташкил топади.

7.1.3. Жамият мулки қуйидагилардан иборат:

- a) иштирокчиларнинг Жамият устав фондига ҳиссалари;
- b) ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва хизматлар;
- c) фаолияти натижасида олинган Жамият даромадлари (фойда);
- d) жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган асослар бўйича қўлга киритган бошқа мулк.

## **8. МОДДА ФОЙДАНИ ТАҚСИМЛАШ**

### **8.1. ҚИСМ. Фойдани тақсимлаш маддати ва тартиби**

8.1.1. Жамиятнинг соф фойдаси ҳар чорақда, ярим йилда бир марта ёки ҳар йили Иштирокчилар Умумий Йиғилиши қарори билан белгиланган миқдорда тўланиши мумкин.

8.1.2. Иштирокчи фойдани тақсимлаш, Устав Фондини ёки Жамиятнинг барча бошқа фондларини ошириш ва Жамиятни ривожлантиришга йулланга ҳақлидир.

8.1.3. Солиқлар, Қонунчиликга мувофиқ мажбурий тўловларни тўлаш ва Заҳира Фондига чегирмаларни ажратишдан қолган фойда Жамият Иштирокчисининг қарорига биноан тақсимланиши мумкин.

8.1.4. Агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ озод қилинмаган бўлса солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланган, Жамият фондларига ажратмалар ажратилгандан сўнг Иштирокчилар Умумий Йиғилиши соф фойда қолдигини эълон қилади ва дивиденд суммасини эълон қилиши мумкин ва у агар Иштирокчилар дивидендлар тўланиши лозим бўлган бошқа муддатни тасдиқламасалар, Иштирокчилар Умумий Йиғилиши фойдани ҳар бир Иштирокчининг устав фондидаги улушига мутаносиб равишда тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилган санадан бошлаб олтмиш (30) кун ичида дивидендлар эълон қилинади ва тўланади.

8.1.5. Қуйидаги ҳолларда Жамият ўзининг фойдасини тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас:

- (a) жамиятнинг Устав Фонди тўлиқ тўлангунга қадар;

- (b) жамият иштирокчиси улушининг (улуши бир қисмининг) ҳақиқий қиймати тўлангунга қадар;
- (c) агар бундай қарор қабул қилинган пайтда Жамият қонунга мувофиқ банкротлик белгиларига жавоб берса ёки бундай қарор қабул қилиниши оқибатида ушбу белгилар Жамиятда юзага келса;
- (d) агар бундай қарор қабул қилинган пайтда Жамият соф активларининг қиймати Устав Фонди ва Захира Фондининг микдоридан кам бўлса ёки бундай қарор қабул қилиниши оқибатида камроқ бўлиб қолса;
- (e). қонунчилик билан кўзда тутилган бошқа ҳолатларда.

8.1.6. Жамият, Иштирокчи фойдасига тақсимланиши тўғрисида қарор қабул қилинган фойдани қуйидаги ҳолатларда тўлашга ҳақли эмас:

- (a) агар тўлов амалга ошириладиган пайтда Жамият қонунга мувофиқ банкротлик белгиларига жавоб берса ёки бундай тўлов натижасида ушбу белгилар Жамиятда юзага келса;
- (b) агар тўлов амалга ошириладиган пайтда Жамият соф активларининг қиймати Устав Фонди ва Захира Фондининг микдоридан кам бўлса ёки бундай тўлов натижасида камроқ бўлиб қолса;
- (c) қонунчилик билан кўзда тутилган бошқа ҳолатларда.

## **9. МОДДА. УЛУШНИНГ БОШҚА ШАХСГА ЎТКАЗИЛИШИ**

### **9.1. ҚИСМ. Улуш (улуш қисмини) ўтказиш тартиби**

9.1.1. Жамиятнинг Устав фонд улуши ёки улуш қисми Учинчи Шахсларга битим асосида ўтказилади, ҳуқуқий ворис тартибида ёки бошқа барча қонуний асосда.

9.1.2. Жамият Ягона Иштирокчиси ўз улушини (улуш қисмини) ўзи истаган пайтда ва шартларда учинчи шахслар фойдасига сотишга, гаровга берилшга, ҳадъя қилишга, воз кечишга ва узгача тартибда ўтказишга ҳақли. Бу ҳолда Жамиятнинг розилиги шарт эмас.

9.1.3. Жамият иштирокчисининг улуши тўлиқ тўлангунга қадар бўлган даврда у фақат тўланган қисми бўйича бошқа шахсга ўтказилиши мумкин.

9.1.4. Жамият иштирокчисининг улуши ҳуқуқий ворисларига ўтади.

## **10. МОДДА БУХГАЛТЕРЛИК ҲИСОБИ, ҲИСОБОТИ ВА АУДИТ.**

### **10.1. ҚИСМ. Молиявий йил**

10.1.1. Жамиятнинг биринчи молиявий йили Жамият рўйхатдан ўтказилган санада бошланиб, 31 декабрда тугайди. Жамиятнинг кейинги молиявий йиллари 1 январда бошланиб, 31 декабрда тугайди.

### **10.2. ҚИСМ. Хужжатлар**

10.2.1. Жамият хужжатлари ва ҳисоботлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган талабларга мувофиқ юритилади. Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган барча молиявий хужжатларни бундай Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўрнатилган муайян давр мобайнида сақлайди.

### **10.3. ҚИСМ. Ҳисобот**

10.3.1. Жамият, Иштирокчига ўз молиявий фаолияти юзасидан ҳисоботни, жумладан тегишли тушунтиришлар илова қилинган фойда ва зарарлар ҳақидаги ҳисоботни тақдим этади.

10.3.2. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тартибининг талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига, Ўзбекистон Республикаси молия ва бухгалтерия тизимлари бошқариш инзом ва қондаларига риоя этилиши ҳамда мувофиқ, молия ва солиқ, органларига тақдим этилиши лозим.

## 11. МОДДА ТУГАТИШ ВА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ

### 11.1. ҚИСМ. Қайта ташкил этиш

11.1.1. Жамият Иштирокчи қарори билан ёки Ўзбекистан Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган бошқа ҳолларда қайта ташкил этилиши мумкин. Жамиятни қайта ташкил этиш қўшиб юбориш, бирлаштириш, ажралиб чиқиш, бўлиш ва қайта тузиш шаклида амалга оширилиши мумкин.

### 11.2. ҚИСМ. Тугатиш

11.2.1. Жамият, Иштирокчи қарори ёки Ўзбекистан Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган асослар бўйича суд қарори билан тугатилиши мумкин.

11.2.2. Жамиятни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган Иштирокчи тугатувчини тайинлаши ва тугатиш тартиби ҳамда муддатларини белгилаши лозим.

11.2.3. Тугатувчи тайинланган пайтдан бошлаб Жамият ишларини бошқариш ва тугатилаётган Жамият номидан судда иштирок этиш ваколатлари тугатувчига ўтади. Тугатувчи, Жамият кредиторлари ва унинг дебиторлик қарзларини аниқлаш чораларини кўради ва кредиторларни Жамият тугатилиши тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиши лозим. Кредиторлар томонидан талабларни билдириш муддати тугагандан сўнг, тугатувчи оралиқтугатиш балансини тузади, унда Жамият мулки тўғрисидаги маълумотлар, кредиторларнинг талаблари рўйхати, шунингдек уларни кўриб чиқиш натижалари кўрсатилади. Оралиқ тугатиш баланси Иштирокчилар Умумий Йиғилиши томонидан яқдиллик билан тасдиқланади.

11.2.4. Жамият муносиб ёзувларни ягона давалаг реестрига киритгандан сўнг тугатилган ҳисобланади. Мазкур Устав Жамияттугатилишидан сўнгўз кучини йокатади.

## 12. МОДДА. ҲУЖЖАТ ВА МАЪЛУМОТ САҚЛАШ МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 12.1. ҚИСМ. Ҳужжат ва маълумот сақлаш мажбуриятлари

12.1.1. Жамият қуйидаги ҳужжатларни Қонунчиликда белгиланган тартибда сақлаши шарт:

- (а) мазкур Устав, шунингдек унга киритилган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартишлар ва қўшимчалар;
- (б) иштирокчининг қарорлари;
- (с) жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- (д) жамиятнинг ўз балансида турган мол-мулкка бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- (е) жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари тўғрисидаги низомлар;
- (ф) бош Директор қарорлари;
- (г) жамият аудиторлик ташкилотининг хулосалари;
- (ҳ) қонун ҳужжатларида, мазкур Устав, Жамият ички ҳужжатлари ва Жамият ва Директор қарорларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар.

## 13. МОДДА ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

### 13.1. ҚИСМ. Тил

Жамиятнинг ишчи тиллари ўзбек ва/ёки рус, инглиз тилларидадир.

### 13.2. ҚИСМ. Бошқа қоидалар

3.2.1. Мазкур Устав белгиланган тартибда руйхатдан утган пайдан кучга киради. Мазкур Устав руйхатга олинади ва Учинчи шахслар учун узбек тилида конуний кучга эга.

13.2.2. Мазкур Уставнинг Конунчиликка тулик ёки кisman карама-карши ёки нохак коидалари булган Колган коидаларининг хакикийлигига таъсир килмайди. Карама-карши ёки нохак коидалари киемида Конунчилик коидалари билан тартибланади. Агар нохак коидалари харакат ёки муддат билан тегишли булса, Конунчиликнинг мувофик нормалари ишлатилади. Мазкур Уставнинг Конунчиликка карама-карши ёки нохак коидалари Иштирокчининг энг якин карори билан дархол алмаштирилади.

13.2.3. Мазкур Уставда белгиланмаган бирон-бир коида Конунчилик билан тартибланади.

Mikro Kapital Management S.A nomidan ishinchli vakil Soliev Ravshan  
(29/10/2019 – sonli 2019 yil «10» oktyabr kunida berilgan ishchnoma asosida)

